ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ

ФАРМОНИ

**ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИ ҚАЙТА ТУЗИБ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ВА СОЦИАЛ МАСАЛАЛАР ДАВЛАТ КОМИТЕТИГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитети қайта тузилиб, Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига айлантирилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари**
**А. РОМАНОВСКИЙ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари**
**Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри,
1988 йил 27 январь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ

ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ Ҳ. Н. ТОЖИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ВА СОЦИАЛ МАСАЛАЛАР ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Ҳусниддин Нажмиддинович Тожиев Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетининг раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари**
**А. РОМАНОВСКИЙ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари**
**Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри,
1988 йил 27 январь.

## ЭКОНОМИКА ХАБАРЛАРИ

### ИСТЕЪМОЛЧИ ИЛТИМОСИГА ҚЎРА

Советободдаги «Тарандубитель» бирлашмасининг омборлари бўшаб қолди: корхона маҳсулотига талаб ошиб кетди. Ўтган йилнинг январь ойида корхонанинг бир миллион сўмликдан ортиқ маҳсулоти омборларда туриб қолган эди, корхона эса ўн минг сўмлаб жарима тўлади.

Бирлашма ходимлари ишни яхшилаш учун энг аввало савдо корхоналари вакилларининг ва бошқа истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олишга қарор бердилар. Уларнинг маслаҳатлари ва танқидий фикрларини тингладилар, аҳолининг талабини ўргандилар. Олинган ахборотни махсус комиссия ишлаб чиқди. Комиссиянинг тавсиялари тезда жорий этилади. Жумладан корхонада ўн уч хил янги чарм-галантерея маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу эса ўтган йилдагига қараганда сал кам бир миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотни сотиш имконини берди.

Эндиликда пландан ташқари фойда олишнинг имкони бор. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантиришга 180 минг сўм ажратилди: иккита поток линия реконструкция қилинди. Ана шу линияларда янги маҳсулот — транспорт дорихоналари ишлаб чиқарила бошлади. Цехларда янада мукаммал техника ўрнатилиши ҳисобига бўшаган майдонларда дам олиш бурчаклари ташкил этилди.

### ПИШИҚ ПОЙАФЗАЛ

Қўқон маҳаллий пойафзал фабрикасининг барча поток линиялари баҳорги-кузги пойафзал ишлаб чиқаришга ўтказилди. Мавсумга тайёргарлик чоғида бирмунча тажрибалироқ ҳамкасбларнинг — Москва мутахассислари, Рига ва Ереван пойафзалчиларининг тавсиялари эътиборга олинди. Фабрикадан савдо шохобчаларига ҳозирнинг ўзидаёқ 11 минг жуфт эркаклар модали сандалети ва туфлилари, қизлар учун чиройли танкеткалар, кичкинтойлар учун кўркам пойафзаллар жўнатилди. Пойафзалнинг бир қисми тежалган чарм ва ёрдамчи материаллардан тайёрланмоқда. Фабрика — баҳорги-ёзги мавсумда магазинларга бир миллион жуфтдан ортиқ пишиқ пойафзал етказиб беради.



## Ресихон СУЛЕЙМАНОВА — мусобақа ғолиби

**Янгийўл районидаги Қуйи Бўзсув гидроэлектростанциялари марказий пультдан туриб бошқарилади. Малакали мутахассис Ресихон Сулейманова йигирма икки йилдан бери шу ерда фидокорона меҳнат қилиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келаяпти. У бошчилигидаги смена социалистик мусобақада ҳамиша ғолиб чиқиб, мавжуд бешта электростанцияда қувончли муваффақиятларга эришилишига муносиб улуш қўшмоқда.**

**СУРАТДА:** Р. Сулейманова.

Р. ГАЛИЕВ фотоси.

## САБЗАВОТКОРЛАР НЕГА ТАШВИШДА?

Бухоро район Ленин номли колхоз деҳқонлари сабзавотчиликда оила пудратини жорий этиб, ҳам фойдага эга бўлдилар, ҳам қўшимча муаммоларга дуч келдилар.

— Сабзавотчиликда оила пудрати ўзини тўла оқлади, — деб ҳикоя қилади колхоз бош экономисти Х. Ҳуррамов. — Ўтган йили биз сабзавотдан 110 минг сўм даромад олдик. Яқин-яқинларда эса бу соҳа бизга зарар келтирарди. Ҳар йили ўнлаб минг сўм пул йўқотардик. Шунинг учун ҳам колхозчиларнинг умумий йиғилишида тажрибали сабзавоткорлардан тўртта оилавий пудрат звеносини ташкил этишга қарор қилинди. Уларга яхши ерлар ажратилди, етарли даражада сув ва ўғит берилди. Звено аъзолари виждонан ишладилар. Колхоз улар ёрдамида сабзавот сотиш планини муваффақиятли бажарди.

— Лекин, биласизми, бизни нима ташвишлантирмоқда? — дея суҳбатга аралашди пудратчи звено раҳбари С. Фаттоев. — Ўтган йил етиштирилган маҳсулотни сотишда кўп муаммолар пайдо бўлди. Давлат савдоси тайёрловчилари, бунинг устига матлубот кооперацияси ходимлари ҳам панд бериб қўйишди. Ўзимиз транспорт топишга, етиштирилган маҳсулотни ўзимиз шаҳарга олиб боришимизга тўғри келди. Область марказига бир неча бор қатнаган, савдо ходимларига келтирилган сабзавотни олишлари учун ялинган кунларимиз ҳам бўлди. Бу ишда айни шу бугунданоқ тартиб ўрнатиш керак.

Сабзавотчининг безовталанаётгани тушунарли. Чунки, колхоз бу йил ўтган йилдагига нисбатан бир неча баравар кўп — уч ярим минг тонна сабзавот етиштиришга аҳд қилган. Оилавий звенолар бундай ҳосилни олиш учун қизғин тайёргарлик кўришаяпти. Парникларга эртанги карам, редиска, саримсоқ пиёз кўчатлари ўтқазилган. Лекин ана шу маҳсулотлар харидорга ўз вақтида етиб борармикин?

Оилавий звенолар тузилиши туфайли областдаги кўпгина хўжаликларда сабзавот маҳсулотлари етиштириш кўпаймоқда. Савдо тармоқлари ва матлубот кооперацияси эса бундай суръатларга дош бера олмаяпти. Бундай «тепса тебранмаслик» натижасида истеъмолчи ҳам, ишлаб чиқарувчи ҳам зиён кўрмоқда. Хўжалик ходимлари араваларга ортилган сабзавот маҳсулотлари билан идорама-идора сарсон бўлиб юрган бир пайтда чайқовчиларнинг бозори чаққон. «Дала — магазин» конвейери учун масъул бўлган бу ташкилотлар эса чайқовчининг ишончли ҳомийларига айланиб қолишмоқда.

**А. ФОЗИЛОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

*Долзарб мавзуда мусоҳаба*

# ШУНИ БИЛИНГКИ, ҲАММАГА ИШ ТОПИЛАДИ

**Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети раисининг ўринбосари В. Г. Верхотуров билан шу куннинг долзарб мавзусидаги суҳбатимизни бошлаётганимизда телефон жиринглаб қолди. Владимир Георгиевич қўнғироқ қилаётган кишининг гапларини диққат билан тинглагач, қисқа ва лўнда жавоб берди: «Ҳаммани ҳисобга олингизлар, уларнинг турар жой адресларини ёзиб қолинглар, аввалги ишхоналари билан қизиқишни ҳам тавсия этаман. Умуман бутун фаолиятимизда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Аҳолининг иш билан самарали банд бўлишини таъминлаш, ишга жойлаштириш системасини такомиллаштириш ва меҳнаткашлар учун социал гарантияларни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига таянишимиз керак».**

**В. Г. Верхотуров тилга олган ана шу ҳужжатга мувофиқ мамлакатда аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбга йўналтириш бўйича яхлит умумдавлат системаси вужудга келтирилиши зарур. Суҳбатимизни айни шу муҳим масаладан бошладик.**

— Ҳозирги пайтда, — деди Владимир Георгиевич, — республикамизнинг саноат ривожланган олтмиш шаҳрида ишга жойлаштириш бюролари фаолият кўрсатмоқда. Улар меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлашда одамларга кўмаклашаяптилар.

**— Бундай бюролар фақат шаҳарларда мавжудми?**

— Афсуски, шундай. Қишлоқнинг бошқа кўпгина муаммолари қатори ортиқча меҳнат ресурсларидан фойдаланиш масаласи кейинги пайтларга қадар эътибордан четда қолиб келди. Бу жиддий нуқсон кўп жиҳатдан республика Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети, унинг областлардаги органларига тааллуқли. 1988 йилда аҳволни ўнглаймиз. Қўшимча равишда 106 та ишга жойлаштириш бюролари ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Уларнинг учдан бир қисми қишлоқ жойларда бўлади.

**— Боягина сиз тилга олган қарорда бундай бюролар сонини кўпайтириш билан бирга уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, обрўсини ошириш зарурлиги таъкидланган. Масаланинг шу жиҳатларига тўхталсангиз.**

— Энг аввало ишга жойлаштириш бюроларининг мавқеи ва масъулияти ошишини таъкидлаш керак. Давр шуни тақозо этаяпти. Халқ хўжалигини бошқаришдаги туб иқтисодий ислоҳот, фан-техника тараққиётининг жадаллашуви, қайта қуришнинг бошқа жиҳатлари шаҳарларда бўлгани каби қишлоқларда ҳам аҳолини ишга жойлаштириш масаласига талабчанлик билан ёндашувни талаб қилаяпти. Барча ҳолатларда бекор ходимларнинг манфаатларини тўла ҳисобга олиш фаолиятнинг мезони бўлиб қолади. Зотан, қарорда «Барча шунга амин бўлсинки, уларга меҳнат қилиш ҳуқуқи реал тарзда гарантияланади», — дейилган. Ишга жойлаштириш органлари инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ана шу йўлнинг изчил бажарилишига ҳисса қўшишга даъват этилганлар. 1988 йили Ўзбекистон областлари ва йирик шаҳарларида ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбга йўналтириш марказлари, кичик шаҳарлар, районларда эса бюролар ташкил этилади. Улар хўжалик ҳисобида бўлишади. Яъни корхона ва ташкилотлар тузилган шартномаларга мувофиқ кўрсатилган хизматга яраша маблағ ўтказиб турадилар. Кадрларга эҳтиёж қанчалик тўлароқ қондирилса, марказ ва бюроларнинг молиявий аҳволи шунчалик яхши бўлади, шериклар билан ҳамкорлик мустаҳкамланади.

**— Демак, ҳозирги шароитларда бўш ишчи ўринлари, маъмурий-бошқарув органларидаги лавозимлар, қисқараётган штатлар ва шунга доир тўла маълумотларга эга бўлиш жуда муҳим экан-да?**

— Сўзсиз шундай. Қарорда бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар бундай маълумотларни марказ ва бюроларга бериб туришлари зарурлиги уқтирилган. Шулар асосида тегишли бюллетенлар изчил босиб чиқарилади. Бу барча ишларни мувофиқлаштириб боришда муҳим аҳамият касб этади. Ишга жойлаштириш органларига халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари ўзининг бўлинмаси сифатида раҳбарлик қиладилар.

**— Шубҳасиз, бундан буён Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетнинг иш миқёси ортиб, ташвишлари кўпайса керак?**

— Бу саволингизга жавоб тариқасида биргина мисол келтира қолай. Кўп ўтмай комитет қошида аҳолини ишга жойлаштириш республика маркази фаолият бошлайди. Унинг зиммасига қарорда белгиланган тадбирларни бажариш юзасидан катта вазифалар юкланади.

**— Янги йилдан бошлаб Давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақидаги СССР қонуни кучга кирди. У ҳозирги пайтда тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтган саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналарида амал қилаяпти. Қурилиш, транспорт ташкилотлари, илмий тадқиқот муассасалари ҳам хўжалик юритишнинг янги усулига ўтадилар. Кўпгина газетхонларни шундай шароитларда меҳнаткашларнинг социал гарантиялари қандай ҳал этилади, деган савол қизиқтирмоқда.**

— Меҳнаткашларнинг бўшаб қолиши, уларни қайта ўқитиш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалалар Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР қонунига қатъий мувофиқ тарзда, демократик негизда, кенг ошкоралик вазиятида, меҳнат коллективларининг бевосита ва фаол иштирокида ҳал этилиши зарур. Айни пайтда ҳар бир ишчи, мутахассис ва хизматчи чинакамига, тўла самара билан меҳнат қилиши, ўз иш жойининг қадрига етиши, малакаси, касб маҳоратини ошириб бориши керак.

**— Республиканинг қишлоқ жойларида аҳолини ижтимоий меҳнатга жалб этиш муаммосига яна бир карра қайтсак. Мулоқот жараёнида бу масала ғоят ўткир бўлиб турганлиги аён бўлди.**

— Ҳақиқатан ҳам республикамизнинг қишлоқ жойларида ортиқча меҳнат ресурсларининг мавжудлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, унинг етакчи тармоғи ҳисобланган пахтачилик самарадорлигини оширишни секинлатаётган асосий сабаб бўлиб турибди. Айниқса, эскидан суғориб келинаётган регионларда кўпгина юмушлар қўл кучи билан бажарилмоқда. Бу меҳнатни ташкил этишнинг янги усулларини жорий қилиш, илғор технологияни қўллашга салбий таъсир кўрсатаяпти. Шунинг оқибатида ҳар центнер пахта етиштиришга сарфланаётган харажатлар камаймаяпти.

Шу ўринда бир савол туғилиши мумкин. Қишлоқ хўжалигини, унинг етакчи тармоғи ҳисобланган пахтачиликни механизациялаш, меҳнатни ташкил этиш ва моддий рағбатлантиришнинг такомиллашган усулларини қўлланиш, ички хўжалик ҳисоб-китобларини изчил йўлга қўйиш яна ортиқча ишчи кучларини вужудга келтирмайдими? Ўн иккинчи беш йилликда республикадаги мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан ишлаб чиқилган комплекс программада бу масала атрофлича ҳисобга олинган. Деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларидан бўшайдиган ишчи кучларидан агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқларида, аҳолига хизмат кўрсатиш жабҳаларида фойдаланиш кўзда тутилган. Амалда бу программани бажаришга киришилди. Ҳозирги пайтда республиканинг қишлоқ жойларида озиқ-овқат, гўшт, сут, пахта тозалаш саноатининг янги корхоналари барпо этилмоқда. Бу тармоқларнинг қатор завод ва фабрикалари ҳозирнинг ўзидаёқ маҳсулот ишлаб чиқараяпти. Келажакда индустриянинг қишлоқдаги ана шу шохобчалари янада кенгайиб, улар деҳқончилик ва чорвачиликдан бўшаган ишчи кучларини ўз бағрига олади.

Кичик шаҳарлар, посёлкалар ва йирик қишлоқларда енгил, маҳаллий саноат корхоналарининг филиаллари вужудга келтирилганлиги ва бу иш давом эттирилаётганлиги мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланишда муҳим аҳамият касб этаяпти. Истиқболда машинасозлик, металлга ишлов бериш, қурилиш индустрияси сингари тармоқларни ҳам тараққий эттириш кўзда тутилган.

**— Юқорида таъкидланган қарорда аҳолининг хоҳиш-истагига қараб уларни янги ўзлаштираётган регионларга кўчириш борасида ҳам аниқ йўл-йўриқлар айтилган. Бу борада республикамизда қандай тадбирлар амалга оширилаяпти?**

— Республикамизда Жиззах ва Қашқадарё областлари шундай регионлар саналади. Қўриқда ўзлаштирилган совхозларга аҳоли зич жойлашган Фарғона водийсидан ва бошқа воҳалардан кишилар уларнинг хоҳишига қараб кўчирилаяпти. Бунда кўпгина имтиёзлар берилмоқда. Шу ўринда республикамиз вакиллари Ўзбекистондан ташқарида ҳам кўп ишларни амалга ошираётганликларини айтиш зарур. 1987 йил 1 декабрга бўлган маълумотларга кўра, Россия Федерацияси қурилишлари ва корхоналарида 30 мингга яқин ўзбекистонлик меҳнат қилиб, қардошларча оталиқ ёрдами кўрсатилаяпти. «Узвладимирводстрой», «Узновгородводстрой», «Ивановоирсовхозстрой» трестлари, «Узагропромстрой» бирлашмасининг механизациялашган 100-кўчма колоннаси коллективлари Ноқоратупроқ ўлкада, «Узтюмендорстрой», «Тюменжилстрой» трестлари Ғарбий Сибирда, «УзБАМстрой» қурилиш-монтаж поезди Байкал-Амур магистрали регионида бунёдкорлик ишларини олиб бораяпти. Кейинги пайтда РСФСРнинг Хабаровск ва Приморье ўлкаларига, Чита, Киров, Омск, Амур областларига оилаларни уларнинг ихтиёрлари билан кўчириш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилаяпти. Ҳозиргача шу жойларга 2 мингдан зиёд ишчи ва мутахассислар кўчиб боришди.

**— Владимир Георгиевич, редакцияга келаётган мактубларнинг айримларида баъзи кишилар ишсиз қолиши мумкинми, деган ташвишли саволлар, хавфсирашлар учраб турибди. Шу хусусда нима дейсиз?**

— Бутун масъулиятни зиммамга олиб айтаманки, виждонан ишловчи, ўзига топширилган юмушни сидқидилдан бажарувчи ҳеч қандай меҳнаткаш ишсиз қолдирилмайди. Қабул қилинган қарорда жамият ва ҳар бир кишининг манфаатлари уйғун ҳолда ҳал этилган. Унда бўшаб қолаётган ходимлар ишга жойлаштирилгунга қадар тўланадиган нафақалар ва бошқа имтиёзлар аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Зотан, жамиятимизнинг инсонпарварлик табиати, Конституциямиз, барча қонунларимиз ҳар бир совет кишисига меҳнат қилиш ҳуқуқини беради.

**Суҳбатни**
**И. АХМЕТОВ**
**олиб борди.**

## ИДЕОЛОГИЯ ВА ТУРМУШ

### ЛЕКТОР ТЎХТАМАТ ҚОСИМОВ

**У ўн бир йилдан буён партия топшириғини сидқидилдан адо этиб, ишнинг муваффақиятини идеологик жиҳатдан таъминлашга муносиб улуш қўшмоқда. Сўнгги ойларда «Ўзбекистон ССРнинг ер ва сув ресурслари», «Тежалгани — нақд бойлик», «Илғорлар тажрибаси — умумхалқ мулки» мавзуларидаги лекциялари меҳнат унумдорлигини ошириш, интизомни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди.**

**— Лектор Қосимовни заршуносларимиз чин дилдан эъзозлаб, ҳар бир чиқишини мамнуният билан кутиб олмоқдалар, — дейди бригада бошлиғи Тўхтасин Назаров. — У пухта билимга, тажриба ва ташкилотчилик қобилиятига эга. Маҳаллий фактлардан унумли фойдаланади, мавзуни лўнда тушунтиради. Биз ўтган йили пахтачиликда бригада пудратини кенг жорий этдик. Моҳир тарғиботчи янги шароитда ишлаш, сўмнинг қадрига етишнинг моҳиятини кенг тушунтириб берди. Натижада пахтакорлар омилкорлик билан иш юритдилар. Кузда ҳар қачонгидан кўп ҳосил йиғиштирилди.**

**Тўхтамат Қосимовнинг кўп йиллик самарали фаолияти муносиб тақдирланган: бир неча бор «Билим» жамияти область ташкилотининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган. Айни кунларда у Риштон районидаги Алишер Навоий номли совхоз бригадаларида шу кун мавзуларида лекциялар ўқиб, суҳбатлар уюштирмоқда.**

З. ЙИГИТАЛИЕВ.

### ЁШ КОММУНИСТ МАКТАБИ

**Қўшработ район партия комитети қошида тузилган ёш коммунистлар мактабига 114 киши жалб этилган. Машғулотлар жонли, қизиқарли ўтмоқда. КПСС Устави ва Программаси, қайта қуриш ва жадаллаштириш сиёсатининг моҳияти, халқаро аҳвол масалаларига бағишланган лекция ва суҳбатлар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.**

**— Яқинда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Америка сафари якунларини кенг ишлаб чиқдик, — дейди тингловчи И. Орзиқулов. — Шубҳасиз, районимиз олдида турган долзарб муаммолар, коммунист позицияси ҳақида атрофлича гап борди. Ҳар бир машғулот ёш коммунистларда ижобий фазилатларни қарор топтиришда муҳим роль ўйнаяпти.**

Ҳ. ТЎЙМАНОВА.

### ТАДБИРЛАР ТАЪСИРЧАНЛИГИ

**Задарё район алоқа узели бошланғич партия ташкилоти оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишларни янгича талаблар асосида йўлга қўйган. КПСС XXVII съезди, партия Марказий Комитетининг сўнгги пленумлари материалларининг моҳияти алоқачиларга чуқур сингдирилмоқда.**

**Тадбирларнинг таъсирчанлиги туфайли коммунистларнинг етакчилик роли янада ўсди, ижро интизоми мустаҳкамланди. Коллектив 1987 йилни муваффақиятли якунлади. Телефон ва радио точкалари ўрнатиш планлари зиёдаси билан бажарилди. Уч программали радиоузел ишга туширилди. Алоқачилар аттестациядан ўтказилди. Коммунистлар таклифи билан 6 та бригада пудрат усулида ишлаяпти. Ўзаро социалистик мусобақада Абдувоҳид Жаминов бошлиқ Тепақишлоқ алоқа бўлими пешқадамлик қилаяпти.**

Қ. АКБАРОВ.

*Баҳс, мунозара, мулоҳаза*

# СИГИРЛАР КАМ-У СУТ КЎП

**«Қишлоқ ҳақиқати»нинг ўтган йил 16 декабрь сонида босилган «Оз бўлсину соз бўлсин» мақоласида жамоат чорвачилигида туёқ сонининг ошиши баъзи хўжаликларда маҳсулот етиштиришни секинлатаётгани ҳақида сўз юритилганди. Оз маҳсулот бераётган молларни сафдан чиқаришнинг иложи йўқ — сон бўйича планни бажариш керак.**

«Ўрта ҳисобда 2,5—3 тонна сут берадиган сигирларни подада қолдириб, бошқаларидан воз кечсак, ортиқча сарф-харажат қилмай чорванинг озуқа билан таъминланишини яхшилаган бўлур эдик». Бу — тўғри мулоҳаза. Ҳар бир мол ҳисобига озуқа таъминотини ўринлатган билан иш яхшиланиб қолмайди. Сут етиштириш плани нима бўлади? Ахир каммаҳсул жониворларни сафдан чиқариш жамоат секторида сигир салмоғини кескин камайтириб юбориши мумкин. Бу ялпи сут етиштиришга таъсир этмайдими?

Мақолада бу саволга жавоб берилмаган, лекин унинг оҳангидан ҳамма нарса ўз жойида, деган маънони илғаш мумкин. Ана шу фикрлар лоақал арифметик ҳисоб-китоб билан исботланса, айни муддао бўларди. Шу сатрларнинг муаллифи бошланган суҳбатни давом эттиришга жазм қилди.

Республикада сут чорвачилигининг жамоат секторида беш йиллик планга биноан маҳсулот етиштиришни 910 минг тоннадан 1.108 минг тоннага, сигирлар сонини 478 мингдан 526 минг бошга, ҳар говмишдан соғиладиган сут миқдорини 2.130 килограммдан 2.330 килограммга етказиш кўзда тутилади. Шундай қилиб сут чашмаси ҳам сигирлар сонини, ҳам соғим кўрсаткичини яхшилаш ҳисобига кўпайтирилади. Бу энг миёна йўл, ярим интенсив ривожланиш. Ушбу вариантда маҳсулдорликни оширишдан кўра сигирлар сонини кўпайтиришга кўпроқ мойиллик сезилади. Тажриба шуни кўрсатадики, қаттиқроқ олинса, соғимни кўпайтиришдан кўра туёқ сонини ошириш осонроқ. Лекин бу нималарга олиб келади?

Сигирлар сони беш йилликнинг биринчи йилида кўзда тутилган даражада қолдирилса, нима бўлишини ҳисоблаб кўрайлик. Ўшанда говмишлар сони пландагидан 48 минг бош камайган бўларди. Ҳар сигир (ўртача статистик маълумотга кўра вазни 550—600 килограмм деб оламиз) кунига жон сақлаш учун 5 озуқа бирлиги истеъмол қилса, деярли 84 минг тонна озуқа бирлиги тежаб қолинарди. Шунча емиш қолган молларни тўйдириб боқишга ишлатиларди. Сигир ҳар килограмм сут учун 0,5 озуқа бирлиги (тўла балансланган) сарфласа, бунда қўшимча 168 минг тонна сут олиш имкони бўларди. 1990 йилгача эса бу жами (2.300 килограмм X 478 минг бош+ 168 минг тонна). 1.282 минг тонна сут деган гап. Бошқача қилиб айтганда, ўшанча емиш билан деярли 18 процент кўп сут етиштириш мумкин бўлур эди.

Шу йўлдан борилса, 48 минг бош сигир боқишга қўшимча оғил қуришга ҳожат қолмасди, бошқа бир қанча харажатлар ҳам камаярди. Лекин ҳар сигир ҳисобига соғиладиган кунлик сут бир килограмм кўпаярди. Бу унча катта қўшимча бўлмаса-да, у текинга — мавжуд молларни яхшилаб боқиш ҳисобига келаяпти.

Истаймизми, йўқми, ҳаёт бизни ана шу йўлдан боришга мажбур қилади. Республика хўжаликларида соғин сигирлар 1987 йилнинг декабрь ойида пландаги 472,3 мингдан 30 минг бош камни ташкил этди. Юқори идораларнинг норозилигига қарамай Тошкент, Самарқанд, Навоий, Андижон, Бухоро областларининг кўпгина хўжаликлари каммаҳсул сигирларни сафдан чиқариш (брак қилиш) ҳисобига моллар сонини камайтирмоқдалар. Бу, бир йилда республика бўйича 7 минг бош сигир камайишига олиб келди. **Агар шу тахлитда давом этса, 1990 йилга бориб жамоат чорваси ихтиёрида атиги 400 минг бош сигир қолади.** Бунга чек қўйиш ҳақида жар солиш керакмикан? Аввалги беш йилликлар сарҳисоби ва тажрибаси шуни кўрсатадики, бунда ҳатто сут етиштириш кўпайиши керак. Нега?

Ҳозирги пайтда ҳар сигирдан кунига ўртача 5 килограмм атрофида сут соғилаяпти. Бунинг учун 2,5 озуқа бирлиги (0,5 о. б. X5) сарфланади. Соғин сигир жон сақлаш учун 5 озуқа бирлиги истеъмол қилади, дейлик. Демак, ҳозирги пайтда емишнинг учдан бир қисми маҳсулот — сут учун сарфланаяпти. Бу нисбат (2:1) шундан далолат берадики, республикамизнинг ўртача сигири ярим оч ҳолатда. Ахир сигир сут бериш (лактация) даврида уч ҳисса кўп емиш истеъмол қилиши мумкин. Табиийки, у 7,5 килограмм озуқа бирлиги эмас, балки кўпроқ ейиши ва кунига 5 эмас, 10 килограмм ва ундан ҳам кўп сут беради.

Агар яримоч сигиримизга яна 2,5 озуқа бирлиги (яъни емишни атиги чорак ҳисса кўпайтирсак) берсак, қўшимча 5 килограмм сут олишимиз мумкин. Бошқача айтганда, озуқа чорак ҳисса, соғим эса 2 баравар кўпаяяпти! Бу кўзбойлағичлик эмас, балки рақамлар мантиғи ва жонивор организмининг биологик қонунияти. Мана сизга оз сигирдан кўп маҳсулот олишнинг йўли!

Ҳисоб-китобни давом эттирамиз. Беш йиллик охирида пландаги 1.108 минг тонна сут етиштириш учун рисоладагидек баланслашган озуқага эга бўлишимиз керак: а) сигирлар ҳаётини таъминлаш учун (5 озуқа бирлиги X 365 кун X 526 минг бош) 960 минг тонна озуқа бирлиги; б) пландаги маҳсулотни олиш учун (0,5 озуқа бирлиги X 1.108 минг тонна) 554 минг тонна озуқа бирлиги. Жами (960 минг тонна о. бX554 минг тонна о. б) 1.514 минг тонна озуқа бирлиги зарур.

Шунча ем-хашак билан пландаги 526 минг ўрнига 400 минг бош сигирдан қанча сут олиш мумкин? Шунча молнинг ҳаётини таъминлаш учун (5 о.б. X 365 кун X 400 минг бош) 730 минг тонна озуқа бирлиги, сут олиш учун (1.524 минг тонна о.б—730 минг тонна о.б.) 784 минг тонна озуқа бирлиги қолади. Шунча емиш билан (784 минг тонна о.б:0,5 о.б.) 1.568 минг тонна сут олиш мумкин. Шундай қилиб оз, лекин тўйдириб боқилган сигирдан сут соғиш 41 процент кўпаяди (1.568:1.108-1,41 марта). Бунга озуқа учун қўшимча харажатларсиз, балки тармоқни интенсивлаш ҳисобига эришилади. Шундай қилинганда озроқ сигир боқиб рационни яхшилаш билан иштиёқ-ла шуғулланиш, селекция ишини пухта йўлга қўйиш, зооветеринария қаровини меъёрида сақлаш имконияти туғилади. Фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини, меҳнатни ташкил этиш ҳамда унга ҳақ тўлашнинг истиқболли шаклларини жорий этиш уфқлари очилади. Моллар сони камайганига қарамай бўрдоқидаги жониворлар яхши семиради, ўз навбатида гўшт етиштириш кўпаяди.

Тармоқни интенсив юритиш оз ходимларга эга бўлиб тиғиз ва малакали ишлашни талаб этади. Хўжалик ҳисоби, харажат ва фойдани фарқлаш принципларига қатъий амал қилишга тўғри келади. Айни пайтда иш ҳақи ошади, шу билан бирга одамларнинг пировард натижа учун қизиқуви ортади.

Баъзилар бу ҳисоб-китобимизни қуруқ назарияга асосланган фикр сифатида ҳам тушунишлари мумкин. Дарвоқе, биз озуқа деганда тўла баланслашган, тўйимлисини назарда тутдик, сигирлар эса ҳаммаси зотдор деб олинди. Албатта, сони ва уларнинг маҳсулдорлиги ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигига шубҳа йўқ. Айтайлик, сут етиштириш 41 процент эмас, сал камроқ кўпайиши мумкин.

Ҳисоб-китобларимиз воқеликдан унча узоқ эмаслигини ушбу ҳолат тасдиқлайди: кейинги уч йилда жамоат чорвасида сигирлар сони деярли бир даражада — 442 минг бош бўлиб турди, сут соғими эса 1.995 килограммдан 2.310 килограммга етди — 15,5 процент ошди, шунга яраша маҳсулот етиштириш ҳам кўпайди.

Яна бир мисол. 1987 йилда сигирлар баъзи областларда кўпайди, баъзиларида камайди. Хўш, бу сут етиштиришга қандай таъсир этди? Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм областларида бирга қўшиб ҳисоблаганда бир йилда сигирлар сони 193 мингдан 197 мингга етди, сут етиштириш 373 мингдан 398 минг тоннага (6,6 процент) кўпайди, соғим 1.935 дан 2.019 килограммга (4,5 процент) кўтарилди. Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Тошкент областларида бирга қўшиб ҳисоблаганда сигирлар сони 229 мингдан 217 минг бошга тушди, сут етиштириш 435 мингдан 467 минг тоннага (7,3 процент) ўсди, соғим эса 1.902 дан 2.151 килограммга (13 процент) кўпайди. Кўриниб турибдики, сигирлар сони камайган областларда сут етиштириш камаймаган, маҳсулдорлик юқори.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг замонавий йўли ёрқин мисолларга бой. Ғарбий Европада кейинги йилларда моллар туёғини режали камайтириб, айни пайтда наслни яхшилаш орқали сут ва гўшт етиштиришда туб ўзгаришларга эришилаяпти. АҚШда йигирма йил мобайнида сигирлар сони 20 миллиондан 11 миллион бошга камайди, соғим эса 3.000 дан 6.000 килограммга чиқди. Американлар 2000 йилга бориб ҳар сигирдан олинадиган сутни 9.000 килограммга етказишмоқчи.

Республикамизда чорвачиликни интенсив ривожлантириш учун нима талаб қилинади? Энг аввало озуқа сифатини яхшилаш керак. Ўзбекистондан ташқари дунёнинг ҳамма жойида тобора кўп ўстирилаётган соя экинини рационга киритиш лозим. Маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун албатта моллар туёғини ошириш керак, деган эскича тасаввурдан воз кечиш зарур. Бу экстенсив ривожланиш даври қусурларидир.

Ҳозирги пайтда энг муҳими — тармоқни ривожлантириш стратегиясини тўғри танлаш. Хўжаликларга бу масалада ҳақиқий мустақиллик бериш даври келди. Социалистик корхоналар ҳақидаги қонун кучга кирган, хўжалик ҳисоби кенг жорий этилаётган ҳозирги шароитда ҳар бир коллектив чорва моллар сонини кўпайтириш ёки камайтириш кераклигини муайян вазиятдан келиб чиқиб ҳал этмоғи лозим. Хуллас, давлат буюртмасини кам харажат билан бажариш учун интилиш зарур.

Эҳтимол, кимларгадир юқоридаги фикрлар ғалати туюлар, уни рад этишнинг яхши йўли — қуруқ инкор қилиш эмас, балки ҳисоб-китоб юритиш ва аниқ таклифлар киритиш. Масала жиддий, шунинг учун ҳам мақсадга эришишнинг мақбул йўли изланиш натижасида топилиши керак. Бу масалада планлаштирувчи ташкилотлар, район, область, республика миқёсида тармоқ мутахассислари, ферма ходимлари, олимларнинг фикр-мулоҳазаларини билсак жуда яхши бўларди. Ҳақиқат баҳсда туғилади. Демак, «Қишлоқ ҳақиқати» саҳифаларида бу мавзуни давом эттирсак, фойда келтирарди.

**Р. ИСАЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини тарғиб этиш ҳамда жорий қилиш бошқармаси бош мутахассиси, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати.**

